Сиёсат давлат билан фуқаролик жамиятини бирлаштирувчи ҳалқадир. Сиёсат — бу ҳокимият ҳоҳиш-иродаси билан белгиланадиган жараён ёки реалик эмас, балки кўпчилик фуқаролар фаолиятининг фаоллашуви натижасидир. Сиёсат ҳукуматнинг, давлатнинг ички фаолияти билан белгиланади. Шунинг учун ички сиёсат сиёсатнинг бошқа ҳамма йўналишларини белгилайди. Жамиятдаги у ёки бу ижтимоий ҳаракат — бу аслида одамлар сиёсати, оддий қилиб айтганда, ҳалқ сиёсатидир. Ҳукумат томонидан ўтказилаёттан сиёсат эса давлат сиёсатидир, расмий сиёсатидир. Давлат томонидан санкциялаштиришан турли гуруҳлар рагбобат орқали жамиятда ҳокимиятнинг тақсимланишини мувофиқлаштиради ва айрим олинган гуруҳ манбаатининг юқори бўлишига йўл қўймайди. Шу жумладан, ҳокимият пирамидасида турли элиталарнинг бўлиши бирон-бир гуруҳни мутлақ ҳокимиятга эга бўлишига йўл бермайди.

Давлат жамиятнинг кўзгусидир. Кейинги йилларда жамиятшуносликда давлат назариясидан жамият назариясига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. Ваҳоланки, жамиятшуносликда ўрганиш обьекти ўша-ўши: давлатдан ташкил тошган «жамиятдир». Де-

мак, давлат сиёсий жараёнларда ҳокимият институти, сиёсий ҳаётнинг субъекти сифатида алоҳида ўрин эталлади ва роль ўйнайди.

Давлат назарияси жамият назариясини ҳам, жамиятда ҳокимиятнинг тақсимланишини ҳам ўз ичига олади. Farбда ҳокимиятнинг рақобатбардош, бўлак-бўлак бўлишига интилиш кайфијати кучли. Ҳар бир индивид ёки ушган гурӯҳ у ёки бу даражада ҳокимиятда қатнашиши мумкин. Бу фуқароларининг умумий сайлов ҳуқуқи, эркин ва доимий сайлов, ҳокимиятнинг вакиллик институти, фуқаролик ҳуқуқи, ҳуқуқ билан ҳимояланганлик, жумладан, сўз, мажлис ва муҳолифат эркинлиги, мустақил суд ҳокимияти, эркин сиёсий маданият ва ҳоказолар.

Бирон-бир давлат барча рақобатлашувчи давлат манфаатига жавоб бера олмайди. Аммо демократик давлат ҳар бир фуқаронинг, ҳатто ижтимоий зинаюга пастидаги туручининг ҳам овози эшитилиб туришини тақозо этади. Айниқса, сиёсий қарорлар қабул қилишда уларнинг овози, фикри ҳам эшитилиб туришига имконият бўлиши керак. Чунки, жамият турли ижтимоий қатламлар: ишбилармонлар, сиёсатшунослар, менежментлар, истельмолчи ва фермерлар, савдогарлар, партиялар, сайловчилар ва ҳоказолардан иборат бўлиб, бу социал қатламлардан бирон-тасининг таркиби бир хил эмас, ва ҳар бир қатлам орасида манфаатлар хилма хиллиги мавжуддир.

Сиёсат сиёсатни белгилайди, деган фикр ҳам афоризмга айланиб бормоқда. Сиёсатнинг жаҳон халқлари тақдиридаги ролининг ошиб бориши ҳозирги замонанинг муҳим тенденциясидир. Политология тадқиқотларида назария катта роль ўйнайди. Назария кўплаб мантиқий боғланган символлар бўлиб, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, кечеётган жараёнларни ўзида инъикос этади, акс этиради.

Назария икки сабабга кўра яратилади:

Биринчидан, биз назария ёрдамида воқееликни қандайдир тушуниш учун соддалаштира оламиз ва бу билан уни назорат қилиш ёки унга мослашишга умид қиласиз.

Иккинчидан, воқееликни тушунишга эришгач, назария унинг тўрилигиги текшириш учун йўлтанма бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин (Джарол Б. Мангейм, Ричард К. Рич. Политология. Методы исследования. — М.: 1999. — С. 43).

Назария ресал дунёга нисбатан фарзларни, прогнозларни

илмий мантиқий асослайди; муайян методлар орқали эса тадқиқотнинг воқеелик билан қанчалик мувофиқлигини солиштириб кўриш орқали қилинган прогноз тасдиқланса, унинг асосида ётган фикр-мулоҳазага ишончимиз янада ошади. Чунки воқеа-ҳодисалар ҳаракатини тўтири илигамасдан ёки ўрганмасдан туриб, умумий холоса чиқариб бўлмайди.

Бизнинг фараз, прогнозимиз ногури бўлса, ўзимизнинг тушунчаларимизга шубҳа қила бошлаймиз ва воқеани тўтири тушуниш усулини излаймиз. Демак, воқеаларни тушунишида гап катта.

Илмий тадқиқот нима? Илмий тадқиқот — кузатувлар натижасида олинган ва бу кузатувларни шарҳлашда далилларга маълум таҳдил қойдаси йўли билан ёндошилган назария ва гипотезаларни текшириш усулидир. Демак, назариялаштиришнинг турли босқичлари бўлиб, унинг доирасида воқеа-ҳодисаларга оид далил ва тушунчаларимиз янада конкретлаштирилади. Назария илмий билимни шакллантиришнинг олий шакли сифатида тадқиқотда етакчи роль ўйнайди. Тадқиқотнинг назарий масалалари (муаммолари) назарияни шакллантириш, уни операционлаштириш, назариянинг табиати, тартиблаштириш мантиги кабиларни ўз ичига олади. Тадқиқот аслида назариядан бошланиб қоида бўйича назария яратиш билан тутайди.

Сиёсатшуносликда тадқиқотлар тахминан олти босқични ўз ичига олади.

1. Назарияни шакллантириш;
2. Назарияни операционлаштириш (абстракт назария тушунчаларини аниқ атамаларда ифода этиш, кўрсатиш);
3. Айнан ўхшаш тадқиқот усулини ташлаш;
4. Хулқни тузатиш;
5. Далилларни таҳдил қилиш;
6. Натижаларни шарҳлаш.

Тадқиқотнинг ана шу олти босқичи сиёсатни илмий ўрганиш нима, деган саволга жавоб беради. Тадқиқот жараённида объект ҳақида ахборот тўпланаади. Масалан, сайловчининг маълумот даражаси билан унинг овоз бериш эҳтимоли ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун жойларда уларнинг маълумот даражаси ўрганилади.

Илмий тадқиқот қандайдир муаммо ёки масалани ўрганиш эҳтиёжидан бошланади. Тадқиқот натижасида олинган иқтисо-

дий маълумотни ёки сиёсий ҳаётга оид билимни олар эканмиз, ундан фойдалашамиз.

Шундай қилиб, политологияни ташкил қилувчи билимлар йигиндиси, тўплами қандайдир Ўзгармас, мустаҳкам тош таҳтага ўхшаш ҳодиса эмас. Бу билимлар доимо кенгайиб, ўзариб ва тўлдириб борилади. Талқиқот жараённида кўпгина қоидалар, ақидалар аниқлаб борилади. Демак, тадқиқотлар билимтаримиз, тушиунчаларимизни янада конкретлаштиради, бойитади.

Маърифат ГАНИЕВА,  
кандидат философских наук, доцент  
(Национальный университет Узбекистана)

### Совершенствование методов политических исследований

Углубление демократических преобразований, повышение международного авторитета Узбекистана предъявляют новые требования к политологам. Не секрет, что политическая наука в нашей стране находится еще в стадии становления. Однако за довольно короткий промежуток времени ученым, занимающимся проблемами политического развития, удалось, отчасти, восполнить существенный пробел в этой отрасли современного обществознания. Политология преподается ныне в вузах и даже превратилась в моду. Стала возникать опасность компрометации ее вследствие наплыва непрофессионалов, слабого знакомства новых политологов с достижениями мировой науки, распространения некомпетентных мнений, за которыми нет научного анализа и глубокого осмысления фактов. И все же, несмотря на трудности, политология в Узбекистане заняла подобающее ей место в системе научного знания, оказывает все более заметное влияние на реальные политические процессы.

Вместе с тем многому надо научиться сегодня, прежде всего, объединению эмпирического и теоретического анализа. Уделяя внимание теории, ученые часто не в полной мере используют возможности эмпирического исследования. В связи с этим

перед политологами стоит задача не только овладения методами такого исследования, но и нахождения взаимопонимания, сближения с социологами. Ведь политология и одно из важнейших направлений социологии — политическая социология достаточно близки. Важность сотрудничества между ними диктуется возможностями углубления познавательного процесса, ориентации на использование различных методов анализа политических объектов. Так, оставаясь в рамках отдельных дисциплин, невозможно получить целостное представление о важнейших политических институтах, например, о партиях. Подходя к этому объекту с точки зрения политологии, мы изучим лишь его институциональный аспект, организационные партийные структуры. В то же время за рамками исследования останутся социальный состав этих организаций и их сторонников, влияние на деятельность партий, экономические отношения и интересы, социально-культурная среда и традиции. Строго придерживаясь дисциплинарных границ, можно получить лишь фрагментарные знания.

Наиболее важной для страны является ситуация политического плюрализма — поведение избирателей на выборах, причины и факторы голосования за тех или иных кандидатов. Назрела необходимость овладения законами возникновения и распространения массовых движений, исследования механизмов их взаимодействия с институтами власти и управления, изучения политических элит и специфических общественных групп, в наибольшей степени влияющих на принятие решений. Надо иметь представление о самых активных в политическом плане социальных группах населения, а также о тех, которые не придерживаются никаких политических ориентаций, но составляют значительную часть избирателей. Перед политологами и социологами стоит задача изучения таких групп, как кланы, неформальные объединения, механизмов лоббирования их интересов и т.п. Все эти и многие другие практические стороны политики имеют давние традиции исследования на Западе. Вместе с тем, по признанию самих западных ученых, еще предстоит сделать немало. Так, во время работы 25-й ежегодной конференции Американской ассоциации исследователей общественного мнения психолог Брюстер Смит из Чикагского университета констатировал, что исследования «еще всерьез не занимались проблемой, каким образом мнения индивида вызывают социальные и полити-

ческие перемены» (см.: Бокий М. А. и др. Опросы в городе и для города: теория, методология, результаты. — Обнинск, 2000. — С. 3.).

Для подъема политологического анализа на новый качественный уровень большой интерес представляют практикуемые на Западе требования к составлению программы исследования как процесса формулирования альтернативных конкурирующих гипотез, поиска необходимых данных для их проверки, правил проведения эксперимента, неэкспериментальных и квазиэкспериментальных исследований (Джарол Б. и др. Политология. Методы исследования. — М., 1997. — С. 9.). Кроме того, учитывается богатый опыт, накопленный социологами и политологами в изучении общественного мнения.

Надо сказать, что способность общественного мнения в большей или меньшей степени влиять на положение дел в государстве, поддерживать правительство в формировании решений по общественно значимым вопросам во многом является показателем открытости общества, готовности его к демократическим преобразованиям. Наиболее явно общественное мнение проявляется в политике.

Понимание важности и сложности задач, стоящих перед нашим государством, послужило формированию нового для страны института изучения общественного мнения. На основании Указа Президента Республики Узбекистан в 1997 году был создан Центр изучения общественного мнения. Особое внимание он уделяет вопросам соблюдения прав и свобод граждан, проблемам углубления политico-правовых, социально-экономических реформ, определению основных политических ориентаций населения, избирательному поведению граждан Узбекистана. Так, за небольшой период работы Центра было проведено более 50 исследований, большинство из которых непосредственно касается политически значимых проблем. Среди них — изучение процесса формирования и развития гражданского самосознания узбекистанцев, уровня их политической и правовой культуры, мониторинг общественного мнения по правам человека, моделирование восприятия населением Узбекистана внешней политики и стратегии безопасности, экспресс-опросы, проводимые накануне выборов, и многое другое. Для анализа полученных материалов Центр привлекает ведущих политологов нашей страны.

Сформированный в Узбекистане за короткий исторический отрезок времени новый климат политической жизни дал толчок национальному возрождению и интенсивному развитию самосознания народа. Стали очевидными многообразие сочетания, а подчас разновекторность интересов, необходимость их учета и согласования для осуществления реформ. Это относится и к титульным, и к так называемым «разделенным нациям».

Знание того, кем в первую очередь — гражданином или представителем своей нации — ощущают себя жители страны, каковы объединительные мотивы, отношение к обретенной независимости и чем является Узбекистан для каждого, должно способствовать недопущению дискомфорта для представителей различных этносов и, в конечном итоге, продвижению вперед.

Полученные Центром социологические данные говорят о том, что в общественном мнении Узбекистана высоко оцениваются мир и стабильность, межнациональное и гражданское согласие. Так считает абсолютное большинство респондентов (97,1%) по результатам социологического исследования «Узбекистан — наш общий дом». Большинство опрошенных испытывают чувство гордости (60,5%) и удовлетворения (25,5%), что являются гражданами Узбекистана. В целом положительно оценивая состояние межнациональных отношений (95,5%), четверть респондентов считает, что имеет место определенная скрытая напряженность. Основными причинами возникновения возможных трений называются издержки воспитания, низкая культура межнационального общения, бытовой национализм. При этом религиозный экстремизм как причина возникновения межнациональной напряженности больше всего вызывает опасение у опрошенных мусульман.

Социологическое исследование «Национальное самосознание» показало, что большинство респондентов (78,2%) с одобрением относятся к фиксации национальности в паспорте гражданина Узбекистана. Главным объединительным мотивом для более чем половины опрошенных (59,1%) являются государство и гражданская солидарность. Вторым в этой системе ценностей стоит принцип национальной солидарности (30,1%). Религию как объединительный мотив отметили 10,8% респондентов.

Абсолютное большинство опрошенных полностью считают себя гражданами Узбекистана (88,3%). Число тех, кто все еще

ощущает себя гражданином СССР, невелико (6,5%). Большинство опрошенных (78,4%) назвали Узбекистан своей родиной. Лишь для немногих (9,5%) понятие Узбекистан ассоциируется со «страной проживания» (Материалы Центра изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр», 1999–2000 годы).

Эти и многие другие политические аспекты общественного мнения требуют серьезного политологического анализа с применением новых приемов и методов исследования. Поэтому необходимо обеспечить координацию политологии с социологией, усилить контакты с Центром изучения общественного мнения.

Муҳиммокон КИРГИЗБОЕВ,  
сиёсий фанлар помзоди

(Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат ва жамият курилиши академиги)

## Политология фанида «экстремизм» ва «терроризм» тушунчалари ва категорияларини ўрганишдаги услубий ёндашувлар

«Террор» атамаси лотин тилидан келиб чиқкан бўлиб, «тегтог» дегани «қўркув» ва «даҳшат» сўзларига яқин келади. Террор илк бор сиёсий ҳаракат усули сифатида буюк француз инқилоби даврида пайдо бўлган ва радикал инқилобчилар томонидан сиёсий муҳолифларни репрессия қилиш, жазолаш воситаси сифатида фойдаланилган. Шунга кўра айтиш мумкинки, террор ёки терроризм сиёсий муаммоларни куч ишилатиш йўли билан ҳал қилиш усулидир. Террористик ҳаракатларнинг мақсади – ҳокимият, аҳоли, хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар вакиларини қўркувга соладиган усуllар воситасида таъсир ўтказиш йўли билан сиёсатда ўзгариш қилишга эришишdir.

Терроризмнинг табиатига кўра, унга уч хил қарашиб пайдо бўлди: террористик фаолиятнинг жанговар кўринишларидан келиб чиқиб қарашиб; криминал қарашиб; ижтимоий-сиёсий қарашиб. Биринчи қарашибга мувофиқ, терроризм ўзига хос куролланган хатти-ҳаракат деб қаралади ва «паст зўриқиши куролли можа-

ро» деб таърифланади. Иккинчи қарашиб эса ўз дикқат эътиборини терроризмнинг жиноий ишларига қаратади ва терроризмни жиноятчиликнинг кескин тури сифатида таснифлайди. Учинчи қарашибга биноан эса, терроризм кескин ижтимоий-сиёсий қаршиликлар асосида шаклланувчи сиёсий курашнинг бир тури, деб талқин этилади.

Кенг маънодаги сиёсий терроризм дегаца ижтимоий тузумни бутунлай ёки унинг қандайдир қисмини ўзгартиришга қаратилган террористик фаоликнинг барча кўринишлари тушунилади. Тор маънодаги терроризмда эса давлат тузумига тааллукли у ёки бу қарорларни рад қилиш (ёки қабул қилиш)га қаратилган курашлар тушунилади.

Ижтимоий терроризм анча чуқур ички ижтимоий-сиёсий зиддиятлар заминида пайдо бўлиб, сўл ва ўнг терроризм шаклларида кўринади. Сўл, яъни инқилобий ёки «қизил» терроризм мафкуравий жиҳатлардан турли сўл доктриналарга таянади. Бу мафкураларга марксизм, ленинизм, троцкизм, анархизм, маоизм кабиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Сўл террортилар асосан бизнес вакилларини, давлат мансабдорларини, миллий хавфсизлик органлар ходимларини, ҳукумат билан ҳамкорлик қилаётган мустақил мутахассисларни, ҳокимият тепасидаги сиёсий партиялар етакчиларини нишонта оладилар. Сўл террорчилик оdatda яширин жанговар ташкилотлар тузиб, уларни ҳалқаро даражада мувофиқлаштириб борадилар. Сўл террортилар асосан ички инқирозлар кескинлашган пайтларда фаоллашадилар.

Ўнг (аксилинқилобий, «қора») террорчилик миллат учун аньанавий бўлған доктрина ва қадриятларга, шунингдек, тарихий жиҳатдан эса, ўтмишдаги миллий араббларга таянган ҳолда фатолият юритадилар. Улар сўл террорчилик томонидан ҳавф туғилган пайтларда қисқа муддат давомида фаоллашадилар. Ўнг террорчилик асосан сўл ва либерал сиёсатчиларни нишонга оладилар. Ўнг террорчилик «қизил» террорчилардан фарқ қилиб, камдан-кам ҳоллардагина жанговар ташкилотлар тузадилар. Улар асосан маҳфий ўнг радикал характердаги жанговар гуруҳлар сифатида фаолият юритишни афзал кўрадилар.

Миллатчи терроризм асосан этник белгилар асосида амалга оширилади. Сепаратчи терроризм миллатчи-сиёсий озчилик гуруҳлар томонидан амалга оширилиб, улар ўзлари яшаётган тарихий ҳудуд автономиясини кентгайтириш учун курашадилар. Улар

сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб, ўнг ёки сўл мафкураларга асосланадилар.

Жаҳонда кенг тарқалган терроризм турларидан бири диний терроризмдир. Бу терроризмга ислом фундаменталистик терроризми, шунингдек, сикхлар, христианлар, яхудийлар терроризми ва шу кабилар киради. Фундаменталистик терроризм турли кўринишларда намоён бўлади. Масалан, «арий миллат» террорчилари учун протестантлик дунёкарап сифатида хизмат қиласи, улар бу таълимотта таяниб ҳукуматга ва либерал ғояларга қарши ўз концепцияларини шакллантирадилар. Яхудий фундаментализми («Ках») эса, радикал ғояларни сафарбар этиши асосида Ислом ва яхудийлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Кейинги ўз йилликларда ислом фундаментализми терроризмининг турлари кўпайди ва улар кенг тарқалди. Бу терроризм радикал фундаменталистлар томонидан амалга оширилмоқда, улар мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатларда шариат тартиботларини ўрнатишига уринмоқдалар. Ислом фундаменталистлари ўз хуружлари учун турли мўътадил режимлар, диний озчилик турұлдари, ноисломий режимлар билан ҳамкорлик қилаётган давлат фуқароларини нишонга олмоқдалар. Фундаменталистларни кундалик ҳаётни шариат мөъёларига мувофиқлаштиришта интилишлар бирлаштириб туради.

Шунингдек, терроризм ўз характеристики жиҳатидан ички терроризм ва ташқи терроризм шаклида намоён бўлади. Ички терроризм маълум бир давлат ҳудудида амалга оширилиб, унинг қурбонлари ҳам, террорчилар ҳам мана шу давлатнинг фуқаролари бўлади; ташқи, ҳалқаро терроризм эса хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар, терроризм қаратилган давлат фуқароси бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилади.

Терроризм бевосита террорчилик тажовузкорлиги — террорчилик ҳаракатининг якунловчи босқичи сифатидаги жиноят кўринишида намоён бўлади. Террорчилик тажовузкорлиги узоқ давом этади, у террортиликка тайёргарлик кўриш ва террорчилик хуружларини амалга ошириш босқичларига бўлишиди. Террорчилик хуружларида ҳарбий гуруҳ, жосуслик гуруҳи иштирок этади, одатда, тажовузкорликни амалга оширишининг хавфсизлитини сақлаш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлаш чора-тацбирлари кўрилади. Террорчилик гуруҳи террорчилик ташкилотининг бир бўлинмаси бўлиб, унинг бевосита вазифаси террорчи-

лик тажовузини ўтказишига тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишдир. Кўпинча террорчилик ташкилотлари ўзларининг мақсад ва вазифаларини мафкуравий жиҳатлардан асослайдилар, шунингдек, улар ўзларининг докториналарини ишлаб чиқиб, улар воситасида сиёсий жараёнларга киришига уринадилар. Террорчилик тажовузлари диверсия (портлатиш, заҳарли моддаларни ишлатиш кабилар) воситасида амалта оширилиб, бунда кўпинча транспорт воситаси ёки бинолар портлатилади, кўча ва майдонлардаги фуқароларга нисбатан портловчи моддалар ишлатилади. Диверсия натижасида юз берган портлашлар натижасида тасодифан шу ерга келиб қолган кўплаб бегуноҳ фуқаролар ҳалок бўладилар. Диверсиялардан асосий мақсад сиёсий қарама-қарши кучларга психологик таъсир этишига уринишидир. Шунингдек, террорчилар турли хилдаги биноларни миналаштирадилар.

Шунингдек террорчилар сиёсий аҳамиятта молик кишиларни (таниқли сиёсатчилар, мансабдорлар, журналистлар, дипломатларни) олиб қочиши усулини қўллаб, ундан ўз сиёсий талабларини қондириш, ҳукмрон табақаларни қўрқувга солиш, ташкилот фаолияти учун маблаглар олиш мақсадларида фойдаланадилар.

Террорчиларнинг асосий кураш усулиаридан яна бири суиқасд уюштириш ва одам ўлдирипидир. Бу каби тажовузлар куролли гуруҳлар томонидан амалга оширилади. Бу усул билан террорчилар ўз мақсадларига эришиш йўлида психологик таъсирлар ўтказишига ҳаракат қиласидилар. Суиқасд уюштиришда совуқ ва енгил ўт очиши қуроллари, қўл гранаталари, минометлар ва гранатометлар ишлатилади. Бу каби тажовузлар тажрибали ва малакали террорчилар томонидан амалга оширилади.

Ўғирлик ҳам экстремистларини террорчилик фаолиятидаги асосий воситалардан биридир. Бу каби жиноятлар террорчилик ташкилотларининг фаолият юритилиши учун маблаг йигиш ва ташвиқот мақсадларида амалга оширилади. Террорчиларнинг тажовузкорлик усулиаридан яна бири хайджекинг транспорт воситаларини (самолёт, темир йўл поезд, автомобиль, кемалар ва шу кабиларни) эгалаб олишидир. Сўл террорчиларнинг биноларни эгалаб олиш каби усуслари воситасида тажовуз қилиш фаолияти Европа шаҳарларига тарқалгандир. Кейинги даврларда террорчиларнинг янги тури — кибертерроризм (кибер уруши), яъни компьютер шаҳобчаларига ҳужумлар уюштириш усули пайдо бўлди.

Бу террорчилек усули ўтган асрнинг охирларида пайдо бўлиб, бу компютер шахобчаларининг ривожланиши, улар аҳамиятининг ошиб бориши билан боғлиқдир. Шунингдек, жамиятнинг ривожланиши ҳам кўп жиҳатлардан компютерлаштириш жараёнларига боғлик бўлиб қолмоқла. Бундан фойдалантган террорчилар бу усул билан ўзларига қарши бўлган сиёсий кучларга қарши курап олиб бориши мақсад қилиб қўйганлар (қаранг: Жаринов К. В. Терроризм и террористы. Ист. справочник. — Минск: Харвест, 1999. — С. 23—35).

Лекин, шу билан бирга терроризмнинг турли хил таърифлари бўлиб, улар моҳияттан бир-бiriга яқин туради. Масалан, таникли олим Уолтер Лакер фикрига кўра, «терроризм — бу жамиятда кўркув пайдо қилиш, ҳолатни ёмонлаштириш ва ҳаттоқи мансабдор шахсларни ағдариб таплаш ва жамиятда сиёсий ўзгаришлар қилиш мақсадларида куч ишлатиш ёки куч ишлатиш хавфидир» (иктибос қўйидаги манба асосида берилмоқда: Кожушко Е. П. Современный терроризм: анализ основных направлений. — Минск: Харвест, 2000. — С. 11.).

Лондондаги мажароларни ўрганиш институти директори Б. Кроэзе эса уни қўйидагича таърифлайди: «Терроризм — сиёсий мақсадларга асосланган ва мотивлаштирилган куч ишлатишдир» (уша ерда, 11-бет).

Шундай қилиб, жаҳондаги диний терроризм ва экстремизмнинг келиб чиқиши ва унинг ривожланишини таҳдил қилиш натижалари шуни кўрсатади, XX асрнинг сўнгти чораги бу сиёсий зиддиятларнинг кучайини ва зўриқиши учун бутунлай янги ва анча шиддатли босқич бўлди. Шунинг учун ҳам терроризмнинг 2001 йил 11 сентябрда АҚШга қилган хуружи жаҳондаги барча сиёсий ва демократик кучларнинг бу «XXI аср вабоси»га қарши бирлашувини долзарб ва зарур вазифа қилиб ҳозирги давр қун тартибига қўйди.

Анвар ҚОДИРОВ,  
фалсафа файлари доктори, профессор  
(Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг академияси)

## Миллий манбаатлар ва политология

Ўзбек халқи мустақилликка эриштач, ижтимоий фанларга бўлган муносабат ва талаб ҳам тубдан ўзгарди. Собиқ ижтимоий тузумда бекёс мавқега эга бўлган сиёсий тафаккур якка ҳокимлиги чок-чокидан сўқилиб кетди, сиёсий соҳада плюрализм ва демократияга асосланган тафаккур куртаклари ниш ура бошлади. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда, озодликка ташна бўлган ижтимоий фан соҳасида фаолият кўрсатувчи айrim ҳамкасбларимизда мустақилликка ортиқча урғу бериш, уни мутлақлаштиришга урининг кайфиятлари ҳам юзага келди. Буни айrim умуминсоний нарсаларни ҳам ўзбекчалаштиришда, маҳаллийлаштиришга мойилликда кузатиш мумкин.

Умуминсоний табиятга эга бўлган политология бундан мустасно эмас. Ҳануз «политология» атамасини «сиёсатшунослик» атамаси билан алмаштиришта уриниш, политология фанини тор географик ҳудудга боғлашта уриниши учраб туради. Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, 1995 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий фанларни ўқитишини ривожлантиришга багишланган республика илмий-амалий конференциясида ҳам бу масала юзасидан қизғин мунозара бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий манбаатлари нуқтаи на-заридан, яъни мустақилликни мустаҳкамлаш, абадийлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб масалага ёндашадиган бўлса, политология «сиёсатшунослик» эмас, политология, яъни умуминсоният эътироф этган фан бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистонда миллий манбаатлардан келиб чиқсан ҳолда политологияни ривожлантириш масаласига келсақ, бу ерда яна бир муҳим муаммо ўз ечимини кутмоқда. Бу муаммо хусусида бугунги анжуманда гапириш ўриниди бўлса керак, деб ҳисоблайман. Агар бу муаммо ўз вақтида ҳал этилмас экан, Ўзбекистонда политологиянинг истиқболи хавф остида қолади, умумжаҳон ривожланиши ўзасидан чиқиб тор миллий тараққиёт оқимига бурилиб кетади.

Бу ерда гап «сиёсат» илмий категориясини реал, амалий сиёсатта бўйсундиришга мойиллик тенденцияси хусусида кетмоқда.

Политологик тадқиқотлар сиёсатта ва сиёсий жараёнларга нисбатан фаннинг асосий мезонларидан бири бўлмиш холислик, яъни объективлик принципидан узоқлашмаслиги даркор.

Политологик тадқиқот реал сиёсатта эмас, балки реал сиёсат политологик тадқиқот натижаларига асосланмоги лозим. Айнан шу принципни қўллаш орқали политологиянинг муҳим функцияси — методологик функцияси амалга оширилади.

Политология фани таркибида яшириниб ётган илмий салоҳият унинг башорат этиш, футурологик имкониятлари билан ҳам боғлиқдир. Бу салоҳиятдан фойдаланиш учун уни тор миллий сиёсат доирасидан чиқариш, уни собиқ илмий коммунизм фани қиёфасига яқинлаштириш касалидан ҳимоя қилиш лозим бўлади. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган политологик тадқиқотларнинг ҳаётбахш бўлишига, ундан жаҳон илм аҳли баҳраманд бўлишига, ўз навбатида, ўзбек политологларининг жаҳон илмий ҳамжамияти билан тенг хукуқли мулоқот юритишига йўл очади.

2001 йил 11 сентябрда АҚШда юз берган мудҳиши воқсалар туфайли минтақамизда вужудга келган геополитик ва геостратегик вазият Ўзбекистон миллий манфаатларининг политологияга бўлган эҳтиёжини янада ошириб юборди. АҚШ ҳукумати Ўзбекистонни жаҳон терроризмига қарши курашда геостратегик ҳамкорликка чақириди. АҚШ давлати умуминсоний хавфга қарши курашда Ўзбекистон давлати билан ҳамкорликдан манфаатдор, унинг миллий манфаатлари буни тақозо этади. Ўзбекистон миллий манфаатлари-чи? Икки буюк давлат оратигида жойлашган Ўзбекистон учун геополитик вазият унинг миллий манфаатларига тўла жавоб беришига кафолат борми? АҚШнинг собиқ давлат котиби Збигнев Бзежинский ва Марказий разведка бошқармаси директори Жорж Тенетнинг АҚШ миллий манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлиги ҳақидағи эътирофлари билан Ўзбекистон миллий манфаатлари талаблари ҳар томонлама уйгунлаша оладими? Бу ва бу масалалар билан боғлиқ бўлган муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Бироқ, миллий манфаатларимиз республиканинг политология соҳасида фаолият кўрсатагетган иқтидорли тадқиқотчилари-

ни илмий ҳамкорликка ундаомоқда. Вазият шуни тақозо этмоқда. Мустақиллик давлатимизниш ҳалқаро обрўйини сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлашта ҳар бир зиёлиниң баҳоли қудрат ҳисса қўшиши республика сиёсий раҳбарияти олиб бораётган вазмин ва босиқ сиёсатта қувват багишлайди.

Бугунги кунда политологиянинг конфликтология, футурология, сиёсий таҳдил каби тармоқларига эҳтиёж ғоят ортиб бормоқда. Ўзбекистон миллий манфаатлари политологиянинг мазкур тармоқлари доирасида амалга ошириладиган ишланма ва холосаларнинг ички ва ташқи сиёсат учун ўта зарур эканлигини тобора ошкор этмоқда.

Воқеалар динамикаси политологиянинг ички имкониятларидан амалий сиёсатда кентроқ фойдаланишга ундаомоқда. Бу нарса ўз навбатида чуқур малакани тақозо этади. Афсуски, политологияга ихтисослашиш бошқа гуманитар ва ҳатто техник соҳалар мутахассислари учун «мода»га айланиб бормоқда. Бизнинг нуқтai назаримизча, политологияга ихтисослаштириш мутахассис томонидан олий даргоҳда камида 5—6 йил политологиядан дарс бериш орқали амалга оширилса, политологияга ўринсиз сукулиб киришларнинг олди олинар эди. Оммавий ахборот воситаарида, радио ва телевидениеда «Сиёсат» рукни орқали ҳақиқий политологиядан узоқ, саёз публицистик-бадиий лавҳалар берилмоқда, айрим хорижий матбуот саҳифаларида қузатиладиган малакали таҳлил ва баҳолар бизнинг матбуотда кам учрайди. Бунинг боиси — малакали кадрлар йўқлигига эмас, балки политолог ҳаваскорлар фооллигидадир. Бу борада Россия сиёсий саҳнасида фаолият кўрсатаётган ҳамкаслардан ўrnak олса арзиди. Буни тан олишнинг уяти йўқ. Сиёсий соҳани эркинлаштириш бу соҳада чуқур, сиёсий маъсулиятни ҳам тақозо этади. Ноўрин сиёсий баҳо, малакасиз сиёсий шарҳ оммага салбий таъсир кўрсатади, давлат сиёсатининг обрўйини тўқади. Шу маънода сиёсий профессионализм сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг йўлдоши бўлмоғи лозим.

Миллий манфаатлар политология фанининг эркинлигини тақозо этади. Бу тезиснинг моҳиятини очиш политологиянинг онтологик асосларини аниқлаш, уни давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган утилитар-прагматик, бир чизиқли (аниқроги, бир ўлчовли) қарашдан холи қилиш орқали амалга ошиши мумкин. Политология миллий манфаатларга конкрет инсон манфаатлари

киёфасини берип орқали, давлат сиёсатини инсонийлаштириш (гуманизациялаш) воситасида ижтимоий воқеликда ўз ўрнини топади.

Политологиянинг онтологик асослари реал сиёсий воқелик билан боғлиқ бўлмай, мазкур воқеликни сиёсат ҳодисасининг умумий концептуал параметрлари доирасида акс эттирилганлиги учун политологик назария обьективлиги билан характерланади. Политология назариянинг мантикий семантикаси социологик детерминизм принципига бўйсунмаслиги керак. Афсуски, посткоммунистик сиёсий айъана ўз инерцияси билан политологиянинг социологик детерминизм принципидан узоқлаштира олмайди, балки уни давлат машинасининг ажралмас бир механизмига айлантироқчи бўлади. Демократик, ҳуқуқий давлат ва ўз-ўзиши бошқаришта асосланган фуқаролик жамияти концептуал босқичда айнан политологиянинг онтологик асосларининг реал ижтимоий ҳаётда қарор топишини, амалий сиёсатининг мазкур асосга таянган ҳолда ташкил этилишини тақозо этади.

Бу нарса марксистик назарияда мустаҳкамланган «эркинлик антланган заруратдир», — деган ақидадан воз кечиша, политологик фикрнинг эркин тараққий этишига олиб келади. Ўзбекистон мамлакатишиг милий манфаатлари шу маънода политологиянинг, бир томондан, онтологик асосларини реал ижтимоий турмушда қарор топтиришни, иккинчи томондан эса, унинг эркинлиги кафолатланишини тақозо этади. Бу муаммони ёритиш алоҳида ёндошишни тақозо этади, албатта.

Бироқ, ижтимоий ҳаётда юзага келган вазият ижтимоий ҳаётимизни инсонийлаштириш (гуманизациялаш)ни қанчалик тақозо этса, ижтимоий фанларни, биринчи навбатда, политологияни ҳам инсонийлаштириш (гуманизациялаш) ва эркинлигини таъминлашни шунчалик тақозо этмоқда. Бу — милий манфаатларимизга тўла-тўқис мос келади.

Милий манфаатларимиз политологияни умуминсоний категориал ашшарати ва қонуниятлари асосида ривожлантиришни, тор посткоммунистик реаллик хусусиятлари билан чекланмасликни талаб этади.

Хулоса шундан иборатки, Ўзбекистон милий манфаатлари ижтимоий ҳаётда политологияга янада катта ўрин берилишини, унинг мавқенини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу эса ўз навба-

тида, жаҳон сиёсий харитасида Ўзбекистон давлатининг ўрни тобора мустаҳкамланиб боришини таъминлайди. Бу — замон тақозоси.

Акрам ЖАЛИЛОВ,  
сиёсий фанлар номзоди  
(Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети)

## Геосиёсий тадқиқотнинг илмий-услубий асослари тұғрисида

Сиёсатшуносликнинг муҳим йўналишларидан бўлган геосиёсат халқаро муносабатларда ўзиниш қанчалик амалий аҳамиятта эга бўлган мажмуда эканлигини ўтган асрда айниқса кўпроқ намоён этди.

Геосиёсатнинг тарихи анчайин мураккаб бўлганлиги туфайли унинг фан сифатидаги тақдирни ҳам мавхумдир. Бир томондан, тушунчанинг ўзи ҳозирги сиёсатда фаол кўлланилаётган бўлса, иккинчи томондан геосиёсий журнал ва институтлар кўпайиб бормоқда. Ушбу фан асосчиларининг асарлари қайтакайта нашрдан чиқмоқда, конференциялар, симпозиумлар ўтказилмоқда, геосиёсий кўмиталар ва комиссиялар тузилмоқда. Лекин, шунга қарамасдан, ҳозирги кунгача геосиёсат илмий ҳамжамият томонидан тан олиниган фанлар сирасига кира олмаган. Немис олим Ф. Ратцел, швед географи Р. Челлен ва асосан инглиз географи Х. Маккиндернинг геосиёсатта оид илк асарлари олимлар томонидан кескин таққидга учради. Илк позитивизмнинг ўта таққидчилик руҳини тўлалитича ўзига мерос қилиб олган классик илм-фан «геосиёсат» ўта чексиз умумлашмаларга мойил эканлитини таъкидлаб уни «қаллобликнинг» навбатдаги бир тури деб ҳисоблаган эди.

Қайсишир маънода, геосиёсатнинг фан сифатидаги бундай ачинарли тақдирни масаланинг сиёсий томони билан ҳам боғлиқ бўлганлигини таъкидлаш зарур. Чунки ушбу фан Учинчи Рейхнинг ҳарбий жиноятлари ҳисобланган босқинчлиқ, оммавий қирғынлар, кўчиришилар ва бошқа уруш ҳаракатлари гўёки наза-

рий жиҳатдан немис геосиёсатчилари томонидан уйдирмалар билан тұлғыб тоштан илм сифатыда тайёрланиб Гитлерга таклиф этилган, деган фикрлар шактланған зди. (Бу ерда аввалинбор фюнерг бир вақылар жуда яқын бўлган немис геосиёсатчиси Карл Хаусхофер назарда тутилган).

Лекин цемис геосиёсати назарий даражаси жиҳатидан англосаксон (Макиндер, Мэхэн, Спикмен) ва францууз (Видаль де ла Бланш) геосиёсати ҳамда рус «қарбий географияси»дан (Милютин, Снесарев) ҳеч қандай фарқ қилмаган. Бу ерда фарқ Хаусхофернинг мантикий ҳамда ушбу фанга ғоятда мос бўлган фикрларида эмас, балки унинг томонидан ишлаб чиқилган қатор қоидаларни тадбиқ этишдаги усуслардадир. Бундан ташқари, 30—40 йиллардаги Германиянинг ҳалқаро сиёсати Хаусхофер ғояларига батамом қарама-қарши зди. Чунки Берлин-Москва-Токио ўйналишидаги «континентал блок» ўрнига СССРга ҳужум қилип, Lebensraum доктринасидаги «ҳаётий муҳим ҳудудлар»ни (Шмидтшинг «халқлар хуқуқдари» назарияси руҳига мос равишда) бирлаштирувчилик шаклида тушуниш ўрнига миллатчилик, империализм ва бошқалар. Шуни таъкидлаш жоизки, Хаусхофер яратган мактаб ва унинг «Zeitschrift für Geopolitik» номли журнали ҳеч қачон расмий нацист тизимишинг таркибий қисми бўлмаган. Учинчи Рейхдаги консерватив инқилобчилар деб аталадиган кўпгина интеллектуал гуруҳлар сингари улар ҳам икки хил мазмунда фаолият олиб боришар зди. Уларинг бундай мазмундаги фаолиятига тоқат қилишса-да, бундай муносабат сиёсий вазиятта боғлиқ бўлиб, ҳар дақиқада ўзгариши мумкин зди. Бироқ, геосиёсатни фан оламига киритмасликнинг энт асосий сабаби ушбу назария давлатларнинг жуғрофий ҳукмронликка интилишларини, бошқача айтганда, кучли давлатлар томонидан турли ҳудудларни эгаллаш механизмларни жуда ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб бериши зди. Турли табиатта эта бўлган сиёсий тизимлар бўлса, бундай механизмларни очиқдан очиқ эмас, балки турли-туман мавхум иборашар ёки ўзига хос ғоявий дастурлар орқали ифодалашни исташар зди. Бу маънода, геосиёсатнинг моҳияти ва мақсадларини марксизм билан қиёслаш мумкин.

Иқтисодий назария намоёндалари ишлаб чиқариш муносабатларининг моҳияти ва уларинг тарихий тараққиёт босқичлари (формациялар) билан алоқаларини мукаммал тарзда очиб

бергани сингари, геосиёсат ҳам ҳалқаро, давлатларо ва миллатлараро муносабатларга таъсир этувчи ҳақиқий туб ричагларни кўрсатган ҳолда ташки сиёсатнинг тарихий демографиясини очиб беради. Бироқ, агар иқтисодий либерализм мумтоз иқтисолиёт тарихининг умумбашарий миқёсда таҳлил этилиши бўлса, геосиёсат ҳалқаро муносабатлар тарихининг таҳлили ҳисобланади. Ушбу сўнгти фикр жамиятнинг геосиёсатчи-олимларга бўлган иккىёдама муносабатининг сабабларини очиб беради. Илмий ҳамжамият уларни кескин таңқид қилган ҳолда ўз муҳитига қўшилишларига қаттиқ қарши турадилар, бироқ айни пайтда ҳокимиёт органлари ҳалқаро стратегияни ишлаб чиқишида яратилган геосиёсий қоидалардан тўлиқ фойдаланаётганларини сезмайдилар. Масалан, геосиёсат фанининг отаси, унинг ҳақиқий асосчиси, дастлабки геосиёсатчилардан бири бўлган сэр Хэлфорд Макиндер билан ҳам худди шундай бўлган. Ғоялари илмий давраларда тан олинган бўлмаса-да, олимнинг ўзи Англиянинг XX аср биринчи ярмидаги ҳалқаро сиёсатини шакллантиришда бевосита иштирок этган. У яратган Англия ҳалқаро стратегиясининг назарий асослари (утган) юз йилликнинг ўрталарида АҚШликлар томонидан қўлга киритилган ва Макиндернинг американлик (кенгроқ ифода этишанда атлантист) издошлири томонидан ривожлантирилган.

Бизнинг фикримизча, геосиёсатни иқтисодий либерализм билан қиёслаш ҳақиқатдан ҳам муваффақиятли бўлиши мумкин. Чунки ушбу назариянинг услубларини эгаллаган ҳолда турли кутблардан фойдаланиш мумкин. Либерал иқтисодий таҳлил иқтисодий гигантлар учун ҳам, ишчилар учун ҳам айни даражада муҳим. Геосиёсат ҳам худди шундай: яъни у йирик давлатлар вакилларига ҳудудий ҳукмронликни сақлаш ва (ҳудудларни) босиб олишни қандай амалга ошириш тўғрисида маълумот берса, уларнинг рақиблари эса унбу фан моҳиятида «миллий озодлик» деб номланадиган инқилобий назариянинг асосий тамойилларини ўрганишлари мумкин. Масалан, Фарб давлатларининг манфатларини кўзлаган ҳолда Марказий Европа давлатларини заифлаштириш ва Германияни тинчлантиришта қаратилган Версал шартномаси айнан Макиндер мактаби томонидан тайёрланган зди. Макиндернинг немис шогирди Карл Хаусхофер бўлса худди шу қоидалардан келиб чиқиб, «Европани кутқаришнинг» Версал шартномаси мантигини бутунлай инкор этадиган ва энди

туғилаёттандырылған милятчи-социализм мағкурасининг асоси бўлган бутунлай қарама-қарши назарияни ривожлантириди.

Сўнгти далиллар шуни кўрсатмоқдаки, мумтоз фанлар сағига қабул қилинмаган бўлса-да, геосиёсат амалий жиҳатдан ўта самарали, айрим жиҳатлари билан эса кўптина конвенционал илмий дастурлардан юксак аҳамиятга эгаиди.

Нима бўлганча ҳам, геосиёсат бутуни кунда мавжуд ҳамда секинлик билан бўлсада расмий жиҳатдан тан олиниш билан бирга ўзига муносиб мавқеъ қозониб бормоқда. Лекин, бу жараёнда ҳам ҳамма нарса тўкис эмас. Ҳар қадамда «геосиёсат»ни турли тушунчалар билан алмаштираёттанилигини ва шунга кўра ушбу атаманинг нопрофессионаллар томонидан қўлланилиши одатий ҳолга айланадиганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ургу геосиёсат фанининг асосчилари томонидан яратилган тўлиқ ва умумий геосиёсий манзарадан, ҳусусий минтақавий ҳодисалар ва геоиқтисодий схемалар томон оғиб кетмоқда. Бу ҳолатда ибтидой қоидалар бўлган геосиёсий дуализм, стратегиялар рақобати, цивилизациялар ранг-баранглиги (дифференцияси) ва бошқалар ё эътиборга олинмаяти, ёки пинҳона тарзда бутунлай инкор этилаяти. Бошқа бирор-бир фанда бундай ҳолатни тасаввур этиш қийин бўларди. Агар олимлар «оғирлик», «куват», «тезланиш» каби тушунчалардан фойдаланган ҳолда, яширин тарзда бутун олам тортишиш қонунини инкор этишини боштаб, астасекин умуман унтишса, кейин эса Ньютонни «ҳаётда мавжуд бўлмаган мифологик мавжудот» ёки «қандайдир номаъум диний фанатик бўлган» деб эълон қилишса, мумтоз физиканинг аҳволи нима бўларди.

### Геосиёсатнинг таърифи

Геосиёсий мактабларнинг кўп сонли намоёндалари яратган илмий ишлар, уларнинг турлича ва ҳатто зиддиятли эканлитига қарамасдан, ягона умумий манзара доирасида жамланиши, ушбу фанни қандайдир тугалланган ва аниқ мажмуа дейиш имконини беради. У ёки бу муаллифлар ва лутгатлар ушбу фанинг асосий предмети ҳамда бош услугбий тамойилларини белгилашда бир-бirlariдан фарқланишиди. Бундай бўлинниш тарихий шарт-шароитлардан, шунингдек, геосиёсатнинг дунё сиёсати, ҳокимият

муаммолари ва ҳукмрон мағкуралар билан чамбарчас ботлиқлигидан келиб чиқади. Геосиёсатнинг синтетик характеристи унинг таркибида география, тарих, демография, стратегия, этнография, диншунослик, экология, ҳарбий иш, мағкура, социология, сиёсатшунослик тарихи ва ҳоказо кўпгина қўшимча фанларнинг қўшилиб кетганилиги билан изоҳланади. Санаб ўтилган табиий, ижтимоий ва ҳарбий фанлар ўзларига мансуб кўптина мактаблар ва йўналишларга эга бўлганлиги туфайли, уларнинг геосиёсатга қатъий тегишилиги тўғрисида гапиришга ўрин йўқ. Ҳемак, бу қадар ўта муҳим ҳамда таъсиртан ва айни пайтда ҳаддан ташқари кент қамровли бўлган ушбу фанга қандай таъриф бериш мумкин?

Геосиёсат бу дунёкаш ва бундай ҳолша уни фанлар билан эмас, балки фанлар тизими билан қиёслап лозим. У ҳам либерализм, марксизм ва ҳоказолар сингари, жамият ва тарихни талқин қилишда асосий тамойил сифатида қандайдир битта ўта муҳим мезони ажратган ҳолда инсон ва табиатнинг қолган барча сон-саноқсиз қирраларини унинг атрофида мужассамлаштирадиган тизимлар билан бир қаторда туради.

Мумтоз иқтисодий назариялардан либерализм ва марксизм инсон ҳаёт-фаoliyatiining иқтисодий жиҳатини талқин қилишда «иқтисоднинг муқаррардиги» тамойилига асосланади. Ушбу икки мағкура бир-бirliga қарама-қарши холосаларга келганлиги муҳим эмас. XIX аср иқтисодиётида ҳукм сурган асосий оқимлардан бири антикапиталистик инқилобнинг муқаррарлиги ҳақидағи фикрга келган бўлсада, бошқаси (Адам Смит) издошлири капитализмни жамиятнинг энг мукаммал шакли деган холосани илгари суришган. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчисида ҳам тарихий жараённи талқин қилишда турли фанлардан кент фойдаланиш услуби, яъни социология, антропология ва сиёсатшунослик каби фанларга таяниш илгари сурилади.

«Иқтисодий редукционизм»нинг ушбу шаклари муқобил (маргинал) илмий уюшмалар томонидан мунтазам таңқид қилинганлигига қарамасдан, улар энг устувор ижтимоий моделлар бўлиб, одамлар улар асосида нафақат ўтмишлари ҳақида фикрлайдилар, балки бутун инсониятга бевосита тааллукли бўлган улкан ишлар ҳақида мулоҳаза юритадилар, режалар тузадилар ва уларни амалга оширган ҳолда келажакларини ҳам куришади.

Геосиёсат билан ҳам худди шундай. Лекин, у «иктисодий мафкуралардан» фарқли ўлароқ «географик мұхит (рельеф) — тақдиди азал» деган фикрга асосланған.

Мұмтоз иктиносат назария ва либерализмда ишлаб чықарыш мұносабатлари ва пул қандай вазифани бажарса, география ва худуд геосиёсатда худди шу вазифани бажаради. Инсон ҳәттінинг барча мұхим жиһатлари уларга боғлиқ қилиб күрсатылади, улар үтмишни талқын қылышнинг бош усули, ҳәттнинг барча жабхаларини ўз атрофига қамраб олган инсон борлигининг ассоций омили сифатида намоён бўлади. Иктиносатий мафкураларда бўлгани каби геосиёсат ҳам яқинлашув, редукционизм, ҳәттнинг серқирра кўринишларини бир неча ўлчов доирасига тўплаш билан характерланади. Лекин (бундай назарияларта доимо хос бўлгани каби) азалдан гумроҳликка маҳкум этилганлигига қарамасдан, геосиёсат үтмишни тушунтиришда энг мұккаммал назария, ҳозирги кунни ташкил этиш ва келажакни режалаштиришда энг самарали мажмua эканлигини яққол исботламоқда.

Агар марксизм ва мұмтоз буржуя сиёсий иктиносидёти билан параллелни давом эттиреак, шуни айтиш мүмкінки, иктиносатий мафкура «иктиносатий инсон» (homo economics) тамойилига алоҳида ургу берадиган бўлса, геосиёсат ўзи яшаётган худуд (макон) белтилаб берган, шу ҳудуднинг ўзига хос ҳусусиятлари, рельефи, ландшафтiga боғлиқ ҳоشا ва улар асосида шаклланган «худудий инсон» категориясига асосланади. Бироқ бундай алоқадорлик инсоннинг давлатлар, этнослар, маданиятлар, цивилизациялар ва ҳоказоларда юритадиган кенг миқёсдаги ижтимоий фаолиятида яққолроқ намоён бўлади. Ҳар бир шахснинг оз ёки кўп пропорцияларда иктиносидётта муқаррар боғлиқ эканлиги маълум. Шунинг учун ҳам иктиносий детерминизмнинг мөхити оддий одамлар учун ҳам, йирик-йирик ижтимоий қатламларни назорат қиласидиган ҳокимият бўғинлари учун ҳам бирдек равшан. Балки шунинг учун иктиносатий мафкуралар одамлар орасида шунчалик оммавийлашиб кетган ва ҳатто кўпгина алоҳида инсонларнинг шахсий интилишларини ягона мафкурада мужасам этган ҳолда инқиlobларни келтириб чиқаришдек бирлаштирувчилик вазифасини бажарған. Геосиёсатнинг ассоций тоғаси бўлган инсоннинг географик мұхиттега боғлиқлиги якка ҳолдаги шахсдан узоқлашган сари намоён бўла боради. Шунинг учун ҳам гарчи дастлабки асослар мавжудлигига қарамасдан геосиёсат том

маънодаги мафкурага, тўғрироғи, «оммавий мафкурага» айланади. Унинг ҳолоса ва услублари, талқиқот предмети ва ассоций қоидалари ижтимоий ва тарихий характердаги умумбашарий қонуниятларни фикрлаш, стратегик режалаштиришнинг улкан муаммолари билан шугулланувчи ижтимоий қатламлар учунгина тушунарли бўлиши мумкин. Макон жуда катта ўлчовларда намоён бўлади ва шу сабабли геосиёсат ҳам давлатлар, ҳалқлар ва ҳоказо умумлашган воқеликлар билан боғлиқ ижтимоий гурухларга мўлжалланган.

Геосиёсат бу ҳокимият дунёқараши, ҳокимият ҳақиқати ва ҳокимият учун яратилган фандир. Инсон ижтимоий юқори табака томон яқинлашган сари геосиёсат унинг учун аҳамият, мазмун ва манфаат касб эта боради, бунга қадар эса у мавхумлик сифатида қабулланади.

Геосиёсат (ҳам амалдаги, ҳам мұқобиллар учун бир хил аҳамиятга эга бўлган) сиёсий элита фанидир ва унинг тарихи геосиёсат билан фақатгина мамлакатлар ва миллатларни бошқаришда фаол иштирок этадиган ёки (тап тарих тақозоси билан ҳокимиядан четлаштирилган мұқобил мафкуравий лагерлар ҳақида кеттанды эса) шу вазифани бажаришга тайёрланаётган кипилар шугулланишгашлигини қатъийлик билан исботламоқда.

Геосиёсат илмий қатъийликни даъво қилмасдан, ўзи учун мұхим бўлган ва ёки иккинчи даражали фанларни ўз даражасига кўра белгилаб олади. Бошқа ижтимоий ва табиий фанлар геосиёсий услубнинг ассоций тамойилларига зид келмаган тақдирдагишина тадқиқот доирасига жадб этилади. Геосиёсат қайсицир маънода ўзи учун фойдали бўлиб туолган фанлар ёки фан йўналишларини танлаб олиб қолган барчасини четлаб ўтади. Ҳозирги пайтда геосиёсат «сукмдорнинг қисқача лугати»га айланган бўлиб, у иттифоқлар тузиш, уруш бошлаш, ислоҳотлар ўтказиш, жамиятни таркибий жиһатдан қайта қуриш, кенг қамровли иктиносий ҳамда сиёсий дастурларни жорий қилиш ва ҳоказо шу каби мұхим қарорларни қабул қилиш борасида нималарни эътиборга олиш кераклиги тўғрисида қисқача ҳолосаларни ўз ичига олган ҳукмронлик дарслигидир. Геосиёсат жуғроғий бошқарув тўғрисидаги фан дея таърифланиши мумкин.

**Шавкат АРИФХНОВ,  
доктор экономических наук, профессор  
(Институт стратегических и межрегиональных исследований  
при Президенте Республики Узбекистан)**

## **Взаимосвязь геополитики и геоэкономики**

Как известно, ни одна наука не привлекает к себе общественное внимание столь сильно, как экономика. В то же время события начала XXI века и предстоящие геополитические изменения показывают, что мы находимся на этапе постепенно сменяющейся экономической повестки дня на политическую.

«Политика для большинства, безусловно, имеет большое значение, но это слишком серьезная область, чтобы доверять ее политологам» (Карсон Р. Что знают экономисты. Основы экономической политики на 90-е годы и в перспективе (Пер. с англ. — М.: СП «Квадрат», 1993.— С. 23.). Раньше во всех кризисных ситуациях винили экономистов, сейчас потенциальной мишенью все больше становятся политологи.

